

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

The Light of Islam

ISLOM ZIYOSI ضياء الإسلام



3-сон 2024 йил

Tahrir hay'ati:

G'afurov U. t.f.f.d. (PhD)

(bosh muharrir)

Maxsudov D. t.f.d., prof.

(bosh muharrir o'rinbosari)

Islomov Z. fil.f.d., prof.

Hasanov A. t.f.d., prof.

Mukhamedov N. t.f.d., dot.

(mas'ul kotib, muharrir)

Gafurova I. t.f.f.d. (PhD)

(nashr uchun mas'ul, muharrir)

Sonmas Kutlu. DSc on Islamic Theology. Ankara State University, Professor of Theology Faculty. Turkey academic2011@gmail.com

Peri Benedek. DSc on Oriental Studies. Director of the Faculty of Humanities of the Institute of Oriental Studies under the Eötvös Loránd University of Hungary. Hungary torok@btk.elte.hu

Ashirbek Muminov. Doctor of Historical Sciences, Professor. IRCICA, Kazakhstan Muminov9703@yahoo.com

Rafik Muhametshin. Doctor of Political Sciences, Professor. Rector of Russian Islamic Institute, Russia rafikm@mail.ru

Daniyar Mavliyarovich Abdrakhmanov. PhD of Historical Sciences. Rector of The Bashkir Academy of Public Administration and Management Under the Auspices of The Republic of Bashkortostan Chairman of The Civic Chamber of the Republic of Bashkortostan daniyar.abdrakhmanov.m@gmail.com

Max Scherberger. PhD in Islamic Studies. Germany maxscherberger@yahoo.de

Amir Navruzov. Candidate of historical sciences, Dagestan, leading researcher of the Institute of History, Archeology and Ethnography of the Daghestan Federal Research Center of the Russian Academy of Sciences, anavruzov@rambler.ru



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 16.09.2024 йилдаги 03-07/5642-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

МАНБАШУНОСЛИК

N.Mukhamedov. Мисрлик тарихчи Тожуддин Субкий «Табақот аш-шофиъия ал-кубра» асарида Шош (Тошкент) олимлари фаолиятининг ёритилиши.....	4
E.Turdimirzayev. Temuriylar davlati tashqi siyosati arab manbalarida: temuriylar va mamluklar.....	12

ТАСАВВУФ

M.U.Amonov. Naqshbandiylik tariqati namoyandalari (XV-XIX asrlar Zarafshon vohasi misolida)	21
N.M.Tuychieva. Тасаввуфда маърифат тушунчасининг аҳамияти	29

ТАРИХ

N.Ismatova. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Бухоро амирлигида вақф мулклари	37
E.R.Mirdjalalova. Изучение арабо-мусульманской культуры Российскими институтами и исламоведами конца XIX – середины XX вв.	44

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

A.A.Raxmonov. Abu Yusufning “Kitob al-xaroj” asarida islom iqtisodiyotiga oid qarashlarning aks etishi	52
A.M.Qosim. Фақиҳ Абу Бакр Ҳаддод ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлили.....	65

ДИНШУНОСЛИК

Sh.Abduraimova. Thematic analysis of religious media content of german websites in audio and video format	73
Y.Sh.Akhmedov. Ommaviy axborot vositalarining siyosiy kommunikatsiya subyekti sifatida etno-milliy konfliktlarga ta'siri.....	78

**МИСРЛИК ТАРИХЧИ ТОЖУДДИН
СУБКИЙ «ТАБАҚОТ АШ-ШОФИЪИЯ
АЛ-КУБРА» АСАРИДА ШОШ (ТОШКЕНТ)
ОЛИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ЁРИТИЛИШИ**

**ОСВЕЩЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧЁНЫХ
ШАША (ТАШКЕНТА) В ПРОИЗВЕДЕНИИ
«ТАБАКОТ АШ-ШАФИЪИЯ АЛ-
КУБРА» ЕГИПЕТСКОГО ИСТОРИКА
ТОДЖУДДИНА СУБКИ**

**COVERAGE OF THE ACTIVITIES OF
SCIENTISTS SHASH (TASHKENT) IN THE
WORK OF “TABAKOT AL-SHAFIYYAH AL-
KUBRA” BY THE EGYPTIAN HISTORIAN
TAJUDDIN SUBKI**

MUKHAMEDOV Nematullo,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Professor of the Department of History and Source Studies
Islam IRCICA, Doctor of Historical Sciences.

n.muxamedov@iiia.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2024/3/1

Аннотация: Фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди ва унинг методологияси вужудга келди. Фикҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид масалаларни қамраб олди. Бу жараён икки ярим аср давом этиб, ислом ҳуқуқшунослигининг шаклланишида “олтин аср” деб номланади. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби олимлари ёзган асарлар туфайли ривожланган Ислом қонуношунослиги халқимиз маънавий ҳуқуқий меросининг ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

IX – XII асрлар Марказий Осиёда илмфан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илмфан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фикҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан.

Мақолада мисрлик тарихчи Тожуддин Абу Наср Абдулвахҳоб Субкийнинг “Табақот аш-шофиъия ал-кубра” номли асарида ўрта (IX-XII) асрларда яшаган Шошлик фақиҳларнинг минтақа илмий марказларидаги фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Шош воҳасида фикҳ илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага

мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Бағдод каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Шош, ўрта аср, фақиҳ, минтақа, Самарқанд, Бухоро, Марв, Бағдод, Қафқол Шоший, Абу Бакр Шоший, ислом фахри, улуғ имом.

Аннотация: Фикх как область исламского правоведения сформировался в VIII-X веках, тогда же была создана его методология. Наука исламского правоведения развивалась как самостоятельная отрасль юриспруденции и охватывала вопросы, связанные со всеми сферами общественной жизни. Этот процесс длился два с половиной века и был назван «золотым веком» в становлении исламской юриспруденции. Исламское правоведение, развитое благодаря трудам ученых школы правоведения Моваруннахра, на протяжении веков служило важным фактором, регулирующим сферу прав и ответственности народов Центральной Азии, являясь неотъемлемой частью духовно-правового наследия нашего народа.

IX-XII века в Центральной Азии знаменуются развитием науки и культуры, особенно исламских наук. Следовательно, такие древние города, как Бухара, Самарканд, Насаф (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент), стали известны как центры науки и культуры в исламском мире. В частности, в средневековых источниках Ташкент называется как Шаш, где жили и трудились многие выдающиеся ученые исламских наук.

В статье анализируется деятельность средневековых (IX-XII) ученых Шаша в научных центрах региона на основе произведения египетского историка Тоджуддина Абу Насра Абдулваххоба Субки «Табака́т аш-шафиъия ал-кубра». А также исследуется научное сотрудничество между учеными медресе в различных научных городах региона, таких как Самарканд, Бухара, Насаф, Термез, Мерв и Багдад.

Ключевые слова: Шаш, Средневековье, фақиҳ, регион, Самарканд, Бухара, Насаф, Мерв, Багдад, Кафқал Шаши, Абу Бакр Шаши, гордость ислама, великий имам.

Abstract: Fiqh as a field of Islamic jurisprudence was formed in the 8th-10th centuries and its methodology was created. The science of jurisprudence developed as an independent branch of jurisprudence and covered issues related to all spheres of public life. This process lasted two and a half centuries and was called the “golden age” in the development of Islamic jurisprudence. Islamic jurisprudence, developed through the works of scientists from the Movarunnahr school of jurisprudence, has served for centuries as an important factor in the life of the peoples of Central Asia, being an integral part of the spiritual and legal heritage of our people.

9th-12th centuries in Central Asia is famous for the development of science and culture, especially Islamic sciences. Consequently, such ancient cities as Bukhara, Samarkand, Nasaf (Karshi), Termez, Khiva, Shash (Tashkent)

are known as centers of science and culture in the Islamic world. In particular, in the medieval sources, Tashkent is called as Shash, where many prominent scholars of Islamic sciences such as hadith and jurisprudence came from.

The article analyzes the activities of medieval (IX-XII) scientists of Shash in the scientific centers of the region based on the book of the Egyptian historian Tajuddin Abu Nasr Abdulwahhab Subki "Tabakat al-shafiiyya al-kubra". Also, in the development of jurisprudence in the Shosh oasis, according to the medieval tradition, the issues of scientific cooperation between scientists who worked in madrasas in different cities such as Samarkand, Bukhara, Nasaf, Termiz and Marv, Baghdad were researched.

Keywords: Shash, medieval age, Fakih, region, Samarkand, Bukhara, Nasaf, Merv, Baghdad, Kaffal Shashi, Abu Bakr Shashi, The Pride of Islam, The Great Imam.

КИРИШ

Фикҳ илми нафақат диний ва ҳуқуқий масалалар, балки маънавий, ахлоқий кадриятларни ҳам ўрганади. Академик А.Саидов ёзганидек, "Фикҳ – ислом қонуншунослиги Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк кадриятдир" (Саидов А., 1997:209).

Фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди ва унинг методологияси вужудга келди. Фикҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид бўлган масалаларни қамраб олди: имон асослари, ақида талаблари, инсон турмуш тарзига хос бўлган муомала, ахлоқ, ибодат қонунқоидалари. Бу жараён икки ярим аср давом этиб, ислом ҳуқуқшунослигининг шаклланишида "олтин аср" деб номланади (Баҳодиров Р., Расулов Д., 2000:10, Сюкияйнен, 1986:68).

Ҳижрий I асрда ислом ҳуқуқи шакллана бошлаб, ҳижрий II ва III асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилди. Ҳижрий II аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари – муассасаларини қуришга муваффақ бўлди. Фикҳ илми ўз ривожланиш босқичларини шу йўсинда босиб ўтди. Асли араб бўлмаган кўп халқлар, айниқса, Мовароуннахр фақиҳлари ва муҳаддислари унинг ривожига бекиёс даражада катта ҳисса қўшиб келдилар (Жузжоний А., 2005:11).

Мовароуннахр фикҳ мактаби буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараққиётига кўтарилган Ислам қонуншунослиги халқимиз маънавийҳуқуқий меросининг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келган (Саидов А., 1997:207).

Жумладан, бу соҳада шошлиқ фақиҳлар ҳам ислом ҳуқуқшунослигида асарлар яратишган. Айниқса, араб манбаларида "Шоший" нисбати берилган кўплаб олимлар номини учратиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳижрий III–IV асрларда Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф, Шош шаҳарлари Ўрта Осиёдаги мусулмон ҳуқуқшунослигининг асосий марказлари бўлиб, ушбу шаҳарларда ҳанафий ва шофий мазҳабидаги фақиҳлар фаолият олиб борганлар. Шофийлик Ўрта Осиёга ҳанафийликдан бирмунча кейинроқ тарқалган. В. Бартольд шофийлик Мовароуннахрнинг баъзи жойларига Шимолий Хуросондан аввалроқ тарқалган, деб таъкидлайди (Бартольд В., 1963).

IX–XI асрларда шофий мазҳаби Хуросон, Туркистон ва Эронда катта эътибор қозонган эди. Хожа Низомулмулк ўзининг "Сиёсатнома" асарида таъкидлашича, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Салжуқийларнинг машҳур вазирларидан бири Амидулмулк Абу Наср Кундурий ҳанафий мазҳабида, шунингдек, "Сиёсатнома" китобининг муаллифи Хожа Низомулмулк (1018-1092) шофий мазҳабида эдилар. Ўша даврда шофийлик ва ҳанафийлик ўртасидаги муносабатлар тарихчи олим А.Мўминовнинг қатор мақола ва рисоаларида баён қилинган (Муминов А., 2015).

Мисрлик машҳур олим Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб Субкий (ваф. 771 х.) «Табақот аш-шофийя ал-кубра» («Шофийянинг улуғ табақалари») номли асарида шофий мазҳаби фақиҳларига оид маълумотлар ёритилган. Унинг тўлиқ исми – Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Қози ал-Қуззот Тақиюддин Абулҳасан Али ибн Зайниддин Абу Муҳаммад Абулкофий ибн Зиёвуддин Абулҳасан Али ибн Таммом ибн Юсуф ибн Мусо бўлиб, 727 ҳижрийда Мисрда илм-маърифатли оилада дунёга келади. Ёшлигиданок Қуръонни ёдлаб, ҳофиз бўлади. Отаси ўғлини ўзи билан Шомга олиб кетади. Бу ерда у Ибн Абулясар, Ибн Таммом, Музий каби улуғ олимлардан таҳсил олади. Тожуддин Субкий буюк олим Шамсуддин Заҳабийга ҳамроҳ бўлади. Субкий 756 йилда Шом қозиси этиб тайинланади ва умрининг охиригача қозилик қилади (Тожуддин Субкий, 1-жилд, 1999:3).

«Табақот аш-шофийя ал-кубра»ни таҳқиқ (тахрир қилиб) нашрга тайёрлаган Мустафо Абдулқодир Аҳмад Ато "... бу китоб турли илмларга оид маълумотларни ўзида жамлаган

муҳим ҳамда қимматли асардир. У таржимаи ҳол (биографик) асари ҳисобланишига қарамай, фикҳ (ҳуқуқшунослик), тил (тилшунослик), адаб (адабиёт) каби илмларни ҳам қамраб олган. Шу сабабли «Табақот аш-шофиъия ал-кубра» юксак эътибор ва эҳтиромга сазовор асардир», - деб ёзган (Тожуддин Субкий, 1-жилд, 1999:3).

Маълумки, “табақот” арабча сўз бўлиб, “қатлам”, “авлод”, “даража” каби маъноларни билдиради. Араб тарихшунослигида табақот мавзусидаги асарларда маълум бир давр оралиғида яшаган шахслар, авлодлар таржимаи ҳоли баён этилади.

Табақот биографик жанрнинг махсус тармоғини ташкил этиб, унда материал хронологик тартибда, авлодлар бўйича, энг дастлабкисидан сўнггисигача (Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари – саҳобалар, сўнг уларнинг шогирдлари ва бошқалар) жойлаштирилади (Ислом энциклопедияси, 2004:219).

Исломнинг илк даврида табақот асосан муҳаддислар ва фақиҳларга бағишланган. Бироқ илм-фан ва маданият тараққиёти туфайли кейинчалик турли касб, даражадаги шахслар (шоирлар, адиблар, котиблар, вазирлар, қорилар ва ҳ.к.) авлодларининг хронологик тартибдаги табақотлари вужудга келган (Mukhamedov N., & Turambetov N., 2023: 322-325).

Мавриди келганда айтиш керакки, “Табақот аш-шофиъия”ни биргина Тожуддин Абдулваҳҳоб ибн Субкий тасниф этмаган, балки, “Табақот аш-шофиъия” деган номда кўплаб китоблар таълиф этилган. Жумладан, илк марта «Табақот аш-шофиъия» китобини Абу Хафс Амр ибн Али Мотуъий (ваф. тах. 440 х.) ёзган. Сўнгра Имом Абу-т-Тоййиб Саҳл ибн Муҳаммад Сулаймон Суълукий (ваф. 444 х.) «ал-Мазҳаб фи зикри шуйҳи-л-мазҳаб» деган асарини тасниф қилган. Бу китоб ўзининг чиройли ибораларга бой эканлиги ҳамда адабий тилда ёзилгани билан ажралиб туради. Асарни Ибн Салоҳ (ваф. 643 х.) бир қадар қисқартирган бўлиб, ундан Ибн Субкий ўқиб ўрганган (Тожуддин ас-Субкий, 1-жилд, 1999:3).

Шунингдек, Фақиҳ Абу Осим Муҳаммад ибн Аҳмад Аббодий (ваф. 458 х.) «Табақот аш-шофиъия», Абу Исҳоқ Иброҳим Ибн Али ибн Юсуф Шерозий (ваф. 476 х.) «Табақот ал-фуқаҳо», Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф Журжоний (ваф. 498 х.) «Табақот аш-шофиъия», Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб Ибн Муҳаммад Шерозий (ваф. 500 х.) «Тарих ал-фуқаҳо» асарларини таълиф этишган.

Ҳижратнинг VIII асрида яшаб, фаолият кўрсатган фақиҳ Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Субкий шофиъиянинг катта, ўрта ва кичик табақаларига оид учта китобларини тасниф этади. Шулардан,

«Табақот аш-шофиъия ал-кубра» китоби ўзида илмларнинг барча турларига оид ноёб ва қимматли маълумотларни мужассамлаштирган илмий қомус бўлиб келган, - ёзади асар муқаддимасида Мустафо Абдулқодир Аҳмад Ато.

«Табақот аш-шофиъия ал-кубра»да кўхна Шош – Тошкентда туғилиб, турли диёрларда фаолият кўрсатган «Шоший» нисбасига эга кўплаб олимлар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Шулардан бир қанчаси ҳақида батафсилроқ тўхталамиз.

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид ал-Имом Абу Бакр Шоший. У Шошда ҳижрий 397 йилда туғилган. Дастлаб ўз юртида Абу Бакр ас-Санжийдан фикҳ илмини ўрганган. Сўнгра Ғазнага Ҳазрати Султон ҳузурига боради. У шаҳарда унга иззат-икром кўрсатилиб, замонасидаги илм аҳллари назари ва эътиборида бўлди. Абу Бакр Ҳомид аш-Шоший /азнада оила қуриб, фарзандлар кўрди ва турли асарлар ёзди (Тожуддин Субкий, 2-жилд. 1999:465; Шамсуддин Заҳабий, 18-жилд, 1992:526).

Олим «Имом» номи билан турли диёрларга танилди. Унинг овозасини эшитган салжуқийларнинг буюк вазири Низомулмулк уни Ҳиротга чақирди. Бироқ бу ҳолат Ғазна аҳлига оғир ботди. Лекин вазирнинг амрига итоат этишдан ўзга чора тополмадилар. Уни фарзандлари ва аҳли аёли билан Ҳиротга катта ҳурмат билан кузатдилар.

Ҳиротга келгач, Абу Бакр Ҳомид Шоший шаҳардаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилди. Сўнгра Нишопурга зиёрат қилиш учун борди. Нишопурлик олим Абдулғофир Форисий бу ҳақда шундай деган: «Нишопур аҳли уни зўр иззат-икром билан кутиб олди. Кейин олим Ҳиротга қайтиб, Мансур Қоғазий ва машҳур муҳаддис Ҳайсам ибн Кулайб Шошийдан ҳадис илмини ўрганди».

Олим ҳижрий 485 йилнинг шаввол ойида вафот этган (Тожуддин Субкий, 2-жилд. 1999:465; Шамсуддин Заҳабий, 18-жилд, 1992:526).

Тоҳир ибн Абдуллоҳ Илоқий. Илоқ туркларга туташ (чегарадош) Шош воҳасига қарашли юртдир. Ўрта асрларда Илоқ кўхна Шош воҳасининг жанубий қисмида Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, бу ердан ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққан.

Тоҳир ибн Абдуллоҳ Илоқий – имом, муҳаддис ва фикҳшунос бўлган. Айниқса, у фикҳ имоми бўлиб, уни пухта эгаллаган эди. У фикҳ илмини Марвда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад Қафғол Марвазийдан, Нишопурда эса Абу Тоҳир Муҳаммад Зиёдий, Бухорода Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳалимийдан ўрганади. Усул илми бўйича эса устози Абу Исҳоқдан таълим олди. Кейинчалик Шош аҳллариға фикҳдан сабоқ берган.

Олим ҳадисларни устози Абу Нуъайм Абдулмалик ибн Ҳасан Азҳарий ва бошқалардан ривоят қилган (Тожуддин Субкий, 3-жилд, 1999:86; Самъоний, 1-жилд, 1980:406). У ҳижрий 465 йилда 96 ёшида вафот этган.

Муҳаммад ибн Довуд Ризвон Илокий Абу Абдуллоҳ. Муҳаддис, фақиҳ бўлиб, Илоқда туғилган. Муҳаммад ибн Довуд Илокий фикҳ илмини Марваррудда машҳур олим Бағовийдан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳёдан ўрганган. Абу Абдуллоҳ Фурувийдан ҳадис эшитган.

Олим Марвга бориб бир муддат Самъоний мадрасасида яшаган. Ибн Самъоний шундай деган: «У бизнинг олдимизга Марвга келди. Менинг ҳузуримда, мадрасамда бир муддат турди. Мен ундан ҳадислар эшитдим».

Муҳаммад ибн Довуд Илокий ҳижрий 539 йилда (милодий 1144-45) вафот этган (Тожуддин Субкий, 3-жилд, 1999:360; Самъоний, 1-жилд, 1980:412).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Мустаҳирий Шоший (1038-1114) Имом Кабир (Катта имом), Фаҳру-л-Ислом (Ислом фаҳри). У имом, аллома, шофиъия шайхи, ўз асрининг фақиҳи улуғ (катта) имом, ислом фаҳри сифатида шуҳрат қозонган (Тожуддин Субкий, 1999:341). У мазҳабга оид қийин ва нозик масалаларни ёд биларди, унга риоя қиларди. У тақводор, ҳудудий (ибодатгўй) эди. Исми эл-юрт орасида машҳур эди.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший 429 йил муҳаррам ойида Диярбакрнинг Маёфорикин (ҳозир Туркиянинг Силван) шаҳрида туғилган.

Манбашунос олимлар – Қ.Муниров, А.Ирисов, А. Носировнинг таъкидлашича, Абу Бакр Шошийнинг ота-боболари Шош ўлкасидан экани зикр қилинган (Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А., 1983:16). Деярли кўплаб ўрта аср араб манбаларида бу шошлик фақиҳ ҳам “Қафтол” номи билан зикр этилган.

Шу ўринда Шошлик фақиҳнинг туғилган шаҳри ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз. Ўша даврда Маёфорикин Диярбакрдаги энг машҳур шаҳар бўлган. У юнон манбаларида “Martyropolis” (шаҳидлар шаҳри) деб аталган. Қадимда тиканзор ва қамишзор бўлган ушбу жойда Сосоний ҳукмдори Яздижард (399-420)дан рухсат олган епископ Маруса томонидан аҳоли пункти ташкил қилиниб, бу ерга Эрондан насроний динида шаҳид бўлганларнинг жасадлари кўчириб келинган экан.

Бу шаҳар Рим ва Сосонийлар империяларининг орасида жойлашгани учун баъзан бу давлатга, баъзан бошқа давлатга тегишли бўлган. VI аср бошидан Рим империяси соясида гуллаб яшнаётган ушбу шаҳарни 589 йил Сосонийлар қўлга

киритган. Аммо 591 йил бир ёрдам эвазига шаҳар Рим империясининг ихтиёрига топширилади. Бу шаҳар мусулмонлар томонидан фатҳ этилгунча Император Гераклнинг измида бўлган. Маёфорикин шаҳри Умар ибн Хаттоб (р.а.) даврида 640 йил Иёз ибн Ғаним томонидан фатҳ этилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Мустаҳирий Шоший дастлаб фикҳ илмидан Маёфорикин да Муҳаммад ибн Баён Казрувнийдан, Маёфорикин қозиси Абу Мансур Тусий Шайх Абу Муҳаммад Жувайнийлардан таълим олади.

Устози ва шайхи Казрувний вафотидан олдин Абу Бакр Шоший Ироққа сафар қилиб, Бағдодга борди. Бағдодда Шайх Абу Исҳоқ Шерозий билан учрашди ва ундан дарс ола бошлади. Шунингдек, Абу Наср ибн ас-Саббоғдан фикҳни ўрганиб, таниқли имом даражасига етди (Тожуддин Субкий, 3-жилд, 1999:341; Шамсуддин Заҳабий, 19-жилд, 1992:393).

Абу Бакр Шоший Бағдодда Муҳаммад ибн Баён Казрувний, Қосим ибн Аҳмад Ҳаёт, Абу Бакр Хатиб, Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муслим, Абу Ғаноим ибн Маъмун, Абу Яъло ибн Фарролардан ҳамда Маккада Хияж ибн Муҳаммад Хатинийдан ҳадис илмини ўрганган. Ундан Абу Муаммар Азжий, Абулҳасан Али ибн Аҳмад Яздий, Абу Бакр Накур, Абу Тохир Салафий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган (Тожуддин Субкий, 3-жилд, 1999:341; Шамсуддин Заҳабий, 19-жилд, 1992:394).

Абу Бакр Шоший устодлари наздида ҳам катта обрў қозонади. Шу сабаб бўлса керак, мадрасани тугатгач, Бағдодда мударрислик фаолияти билан шуғулланади. Ўша пайтда Бағдодда «Низомия» мадрасаси қурилган бўлиб, Шоший шу мадрасага мударрис қилиб тайинланади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийдан Бағдодда шайх, имом, катта фақиҳ, қози Абулмуфаззал Яҳё ибн Али ибн Абдулазиз ибн Али ибн Ҳусайн Қураший Димашкий (ваф. 534) фикҳ илмини ўрганган ва ундан ҳадислар эшитган. Шунингдек, шошлик фақиҳдан шайх, имом, муфтий Абулҳасан Муҳаммад ибн Абулбақо Муборак Бағдодий, имом, аллома, муҳаддис, ҳофиз, муфтий, шайхулислом Абу Тохир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Исфажонийлар фикҳ илмидан таълим олган. Ўз даврининг закийларидан бири – аллома, муфтий Абулаббос Аҳмад ибн Салама ибн Убайдулло ибн Рутобий (ҳижрий 527 йил Ражаб ойида Бағдодда вафот этган) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший билан ҳамроҳ бўлиб, унинг хизматида бўлган.

Юқорида қайд этганимиздек, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший фуқаҳоларнинг

машхурларидан эди. Отабобоси Шош ўлкасидан бўлиб, Абу Бакр Шоший Маёфорикин қишлоғида таваллуд топган. Аввал ўзининг туғилган жойида, кейин Бағдодга бориб, ўша замоннинг зўр олими Абу Исҳоқ Шерозий Абу Наср ибн Саббоғ ва бошқа олимлардан таълим олган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Абу Исҳоқ Шерозий билан Нишопурга бориб, илмий мунозараларда қатнашиб, ўзини танитган. Яна Бағдодга қайтиб, устози Абу Исҳоқ Шерозий вафотидан (476/1083) кейин шофи'ий мазҳабидаги фуқаҳоларнинг раиси бўлган (Носиров А., 1983 : 681).

Устоди Абу Исҳоқ Шерозий вафот этгач, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший унинг ўрнига мударрис этиб тайинланади. Манбалар кўрсатишига кўра, у дастлаб дарсга киргач, устод ўтирадиган жойга ўтириб араб шоири Абу Таммом (788-846) шеърларидан ушбу мазмундаги байтларни ёздирибди:

«Жойлар бўш қолганида ҳеч ким мени катта қилиб сайламаса ҳам, ўзим катта бўлиб қолибман. Аммо катталардан яқка ўзим қолганим менинг учун оғир мусибат бўлди», у бу байтни қайта-қайта ўқиб, шогирдларига ўқитиб, «Улар кетиб, курсига ўтириш навбати менга келди» деб ўзини тутолмай кўзига ёш олибди (Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А., 1983:18).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший йирик фақиҳ бўлиб, бу соҳага оид бир қанча асарлар таълиф этган. Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аз-зунун» асарида «Хилъат ал-уламо фи мазоҳиб ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар мазҳабида олимлар зийнати») асари муаллифи ал-Мустазҳирий деб танилган Шайх Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Қаффол аш-Шоший (ваф. 507), - деб ёзади. Таниқли манбашунос А.Носиров «Кашф аз-зунун»даги ушбу фикрга таяниб, «Мустазҳирий Қаффол Шошийнинг авлодларидан эканлиги маълум бўлади», - деб қайд этган. Шунингдек, Ёқут Ҳамавий «Му'жам ал-булдон» асарида «Тарғиб фил-фуру'» («Фуру'га қизиқиш уйғотиш») китоби муаллифи фахр ал-Ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Қаффол Шоший бўлиб, 507 йилда вафот этганлиги таъкидланган (Му'жам ал-булдон, 1999:401). Лекин кўп манбаларда у «Фахр ал-ислом», «Мустазҳирий», «Шайх», «Имом» номлари остида зикр этилади. Аммо уларнинг бирортасида Қаффол Шошийнинг авлодларига тегишли эканлиги айтилмаган (Мухамедов Н., 2020:76).

Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг йирик асари «Хилъат ал-уламо» («Хилъат ал-уламо фи мазоҳиб ал-фуқаҳо») бўлиб, уни аббосий халифаларидан Мустазҳирий

Биллохга (ваф. 512/1118) бағишлаб ёзган. Бу катта китоб бўлиб, уни Аббосий халифа Мустазҳирий маъқуллаган. Шунинг учун бу китоб «Мустазҳирий» деб ҳам номланган. Ана шу китоби туфайли Абу Бакр Шоший «Мустазҳирий» деган ном таратган ва тарихий манбаларда унинг тахаллуси ёнида бир унвон сифатида ёзиб келинади (Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А., 1983:17).

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўша даврда ҳар бир масалада имомлар ўртасида воқеъ бўлган ихтилофларни зикр қилган. Сўнгра «алМу'тамад» («Ишончли»)ни ёзган. Ушбу асарнинг тўлиқ номи – алМу'тамад' фи фуру'и ашшофи'ия («Шофи'ия фуру'лари бўйича ишончли асар») бўлиб, у «Хилъат алуламо» китобидек шарҳсиз ёзилган (Кашф аз-зунун, 1992 : 6).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўз даврида илммаърифат ва исломнинг маданий марказларидан бири Бағдодда Мустазҳирий номи билан танилган юртдошимиз Абулаббос Аҳмад, Абулмузаффар Самъоний, Наср Муқаддасий, Рўёний, Хатиб Табризий, Имом Ғаззолий каби улуғ олимлар билан замондош бўлган.

Ўша даврда Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср Саббоғ, Абулқосим Дабусий, Имом Ғаззолий, Фахр алислов Шоший (Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад), Сухравардий, Камолиддин Анборий ва бошқалар сабоқ беришган. Мустазҳирий Низомияда араб тили, калом, мантик, адабиёт, сарф-наҳв, кироат, луғат, тафсирдан дарс берар эди.

Шоший ўз даврида араб адабиёти ва хусусан, шеърятини жуда яхши билган кишилардан бўлган. Қуръон, ҳадис, қонунқоида йўлйўриқларини жуда яхши билган. Тилшунослик, хусусан, араб адабиёти ва грамматикасининг нозик томонларига эгаллаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг синтаксисга оид асари ўрта аср ва ундан кейинги даврларда ҳам кўп мўътабар китобларда тилга олинади.

Фикҳ илмидаги билими, тутган мавқеи жиҳатидан барча қомусий манбаларда унинг номига «Фахр ал-ислом, «ал-Имом ал-Кабир» сифатлари кўшиб эътироф этилган. Ислом фаҳри Абу Бакр Шоший ҳижрий 507 йил шаввол ойининг 15 куни шанбада Бағдодда вафот этган. У устози ва шайхи Абу Исҳоқ Шерозий қабри ёнига дафн этилган.

Умар ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Шоший Абу Ҳафс. Катта имом, фахр ул-ислом Абу Бакр Муҳаммаднинг укаси. У ҳам фикҳни Шайх Абу Исҳоқ Шерозийдан ўрганган. Абу-л-Ҳусайн ибн Муҳтадий ва бошқалардан ҳадис эшитган. Олим ҳижрий 550 йилда вафот этган (Тождуддин Субкий,

4-жилд, 1999:153).

Қосим ибн Муҳаммад ибн Али аш-Шоший («ат-Такриб» асари муаллифи). Буюк аллома Қаффол Шошийнинг ўғли бўлиб, у дунёдаги улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. Аббодий уни ўз «Табақот»ида зикр қилиб, шундай деган: «Унинг хизматлари буюқдир, бунга унинг китоби шоҳиддир. Ундан (Қосимдан) Хуросонлик фуқаҳолар таълим олишган. У билан Ироқ аҳли кўп яхшиликларга эришган» (Тожуддин Субкий, 3-жилд, 1999:334).

Маълумки, Қосим ибн Али Шоший «ат-Такриб» («Бир-бирига яқинлаштириш») фикҳий асари билан шуҳрат қозонган. Бу ҳақда Ҳамза ас-Саҳмий «Тарихи Журжон» асарининг Ҳалимий таржимаи ҳоли бобида айнан шундай ибораларни келтирган: «Ҳалимий деган: «ат-Такриб» асари соҳиби Қосим ибн Абу Бакр ал-Қаффол мендан фикҳга оид ўн битта жуз(боб) изоҳ ва шарҳлар ёзиб олди» (Тожуддин Субкий, 2-жилд, 1999: 334-335).

Кўхна Тошкентнинг ижтимоий-диний муҳити ҳақида сўз юритганда, кенг халқ оммаси орасида «Ҳазрати Имом» («Ҳастимом») номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Қаффол Шоший (Мухамедов, Н. А., 2014:130) тўғрисида айтиш лозим. «Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари соҳасида тенги йўқ олим эди. Қаффол Шошийнинг номи Мағрибу Машрикқа машҳур бўлган», деб ёзади Самъоний.

Араб тарихчиси Шамсуддин Заҳабий эса уни нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон олими сифатида ҳам эътироф этади: «Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший Шофибий «Қатта Қаффол» (ал-Қаффол ал-Кабийр) номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннаҳрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи (муаллифи) бўлган» (Шамсуддин Заҳабий, 16-жилд. 1992:283).

Абу Ражоъ Муъмил ибн Масрур ибн Абу Саҳл ибн Маъмун Шоший Хумракий (440/1049-517/1123) – фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, Шош воҳасидаги Хумрак деган шаҳарчада туғилган. Ёкут Ҳамавий «Хумрак – Мовароуннаҳр вилоятларидан Шошдаги шаҳарчадир. Унга Абу Ражоъ Муъмил ибн Масрур Шоший Хумракий мансубдир» (Ёкут Ҳамавий, 1990:389, Абу Саъд ас-Самъоний, 1988:175) деб ёзган. Тарихчи Самъонийнинг айтишича, Абу Ражоъ Муъмил Шоший илммаърифат талабида юрт кезган. У Бухорода Абу Хаттоб Табарий ҳамда Ғазнада шошлик машҳур фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шошийдан фикҳ илмини

ўрганган (Тожуддин Субкий, 1999:203).

Муъмил Шоший ўз билимини бойитиш мақсадида сафар қилиб, Раис Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Раққий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Сайёр Ҳофиз, Абу Абдулло Иброҳим ибн Али Табарий (Абу Хаттобнинг ўғли), Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий Ҳофиз, Абулмузаффар ибн Самъоний ва бошқалардан фикҳ илмидан сабоқ олган. Манбаларда кўрсатилишича, Муъмил Шоший умрининг сўнгги йилларида Марвда яшаган. У имом, такводор суфийлардан бўлиб, Тожуддин Субкийнинг хабар беришича, «Муъмил Шоший обид ва мужтаҳидларнинг етакчиси эди. У Яъқуб Суфийнинг Марвдаги работида истиқомат қилганида, кишилар ундан дуо олиш учун келишарди».

Муъмил Шоший имомлар, олимлар, яхшилик аҳллари билан ҳамроҳ бўлган. У Рамазон ойида кундуз кунлари дўстларини зиёрат қиларди. Ва у: «бундан кейинги зиёрат тамаъдир», - деган (Самъоний, 1988:333).

Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, «Муъмил Шоший Марвда бобом Имом Абулмузаффар ҳамда Абу Саъд Муҳаммад ибн Хорисий ва бошқалардан ҳадис эшитган. Ундан бир жамоа муҳаддислар менга ҳадислар ривоят қилишган». Муъмил Шоший Марвда 517/1123 йил Зулҳижжа ойининг учинчи ўн кунлигида чоршанба куни вафот этган ва Розик дарёси бўйидаги ўз хонақоҳининг дарвозаси ёнига дафн қилинган.

МУҲОКАМА

Ўрта асрларда Шошда фикҳ илми ҳам тараккий этгани қатор араб манбаларида қайд этилган. Бунда, айниқса, шошлик фақиҳлар Бағдод ижтимоий, маънавий, ҳукукий ҳаётида муҳим роль ўйнагани ўрта аср араб манбалари асосида кўриш мумкин.

IX-XII асрларда илмфан ва маданият марказларидан бири Бағдодга “Шоший” нисбасидаги бир қатор бошқа олимлар – машҳур муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Жаъфар ибн Шуъайб Шоший, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закариё Шоший, Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший (Мухамедов Н.А., 2014:54-57) ва бошқалар ташриф буюрган. Бу шаҳарда улар илм ўрганиш билан бир қаторда мударрис, фақиҳ, имом сифатида фаолият кўрсатганлари ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар келтирилди.

Шошлик фақиҳларнинг айримлари аҳли сунна валжамоанинг шофиъия мазҳабига эътиқод

килишган. Чунки X асрда Марказий Туркистонда, хусусан, Шош, Илоқ, Тароз, Бухоронинг чекка жойларида шофиъия мазҳаби кенг тарқалиб, унга эътикод қилинган.

Ўша даврларда шофиъий мазҳаби Туркистон, Хуросон ва Эронда ҳам катта эътибор қозонган эди. Салжуқийларнинг буюк вазири Низом алмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида таъкидлашича, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофиъий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Низом алмулк ҳам шофиъий мазҳаби эътикод қилган.

Айнан ўрта асрларда шофиъий мазҳаби ҳанафийлик билан рақобатга киришган. Бироқ Имом Абу Заҳранинг таъкидлашича, бундай рақобат фақат фикхий мунозаралар доирасида чекланиб, фикх илмининг ривожига туртки берган ва бундан ҳеч қандай адоват, хусумат келиб чиқмаган.

Мовароуннаҳрда шофиъий ва ҳанафий олимлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг асосий омилларидан бири шундаки, шофиъий мазҳаби асосчиси Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий бир неча йил Бағдодда яшаб, Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ҳанафийлик таълимотини ўрганган ва ўзлаштирган. Кейинчалик Имом Шофиъий Мисрга бориб, ўзининг ҳуқуқий мактаби – шофиъия мазҳаби асос солган.

Мухими, Шошлик фақиҳлар умуминсоний кадриятлар ва диний бағрикенглик тамойилларига амал қилган ҳолда илм-маърифатни ривожлантиришган.

ХУЛОСА

Шошлик фақиҳлар фаолиятида Бағдод илмий марказининг тутган ўрни араб манбалари ёрдамида тадқиқ этилиб, Абулҳасан Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Қафғол Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Имом Шоший, Тоҳир ибн Абдуллоҳ Илоқий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон Илоқий каби шошлик фақиҳлар номлари аниқланди.

Умуман олганда, ўрта аср араб манбаларида милодий IX аср фикх илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис “фикх илмининг олтин асри” деб юритилади. Шу “олтин аср” да Шоший нисбасидаги фақиҳлар ҳам фаолияти кўрсатган.

Шош воҳасида фикх илмининг ривожлангани ва бунда Самарқанд, Бухоро, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Бағдод каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар, фақиҳлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик алоқалари ўзининг исботини топди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. (1988). Ал-Ансоб. – Байрут, 1988. 7-жилд. – Б. 244.
2. Бартольд В.В. (1963). Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в.9 т.Т.1. – М.,1963.
3. Баҳодиров Р., Расулов Д. (2000). Ислом илмларининг буюк алломалари. – Т. : Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. -В.10.
4. Ёкут ал-Ҳамавий. (1906). Му’жам ал-булдон. – Қоҳира, 1906. – 1-жилд. – Б. 7.
5. Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. – Б.315.
6. Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён. – 1-жилд. -Б.459.
7. Жузжоний А. Ш. (2005). Ислом ҳуқуқшунослиги ва Ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни. / Юридик фанлар номзоди... дисс. автореферати. – Т., 2005. – Б. 11.
8. Муминов А. (2015 ; 2018). Ханафитский мазхаб в истории Центральной Азии. / Монография. Под ред. С. Прозорова. – Алматы : Қазақ энциклопедиясы, 2015. – 400 с; Научное наследие ханафитских учёных Центральной Азии и Казахстана. Том 4. –Астана, 2018.
9. Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. (1983). Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т. : Фан, 1983. – Б. 16-17.
10. Муъжам ал-булдон. 1-жилд. – Б.401.
11. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. THE CULTURE OF TOLERANCE IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION: METHODOLOGY OF RESEARCH, REALITY AND PROSPECT. – URL : http://sociosphera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
12. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Кафғал Шаши – мухаддис из Ташкента. // PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. – URL : http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
13. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
14. Мўминов А. (2003). Ҳанафий уламоларининг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли. / Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., Тошкент ислом университети, 2003. – Б.66.
15. Ризоуддин Фахриддин. Имом Ғаззолий. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв. № 9122. 16-саҳифа.
16. Саидов А. (1997). Усул ул фикх – ислом қонуншунослигига бир назар // Усул ул фикх. – Т. : Адолат, 1997. – Б.209.
17. (1971). Совет Шарқи мусулмонлари. – Тошкент, 1971 й. – № 3, -Б. 9.

18. Сюкияйнен Л. (1986). Мусульманское право. – М., 1986. – С.68.
19. Тожуддин Абу Наср Абдулвахҳоб ас-Субкий. Табақот аш-шофиъия ал-кубро. – Байрут : Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999. – 3-жилд. – Б. 341.
20. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. 1-жилд. – Б. 6.
21. Хусниддинов З. (2000). Шофий мазҳаби // Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр, 2000. – Б.16-17.
22. Хайруддин Зирикли. ал-Аълум. – 6-жилд. – Б.210. 1-жилд. – Б.327.
23. Хожа Халифа. (1992). Кашф аз-зунун. – Байрут : Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992. – 1-жилд. – Б.611.
24. Шамсуддин Заҳабий. (1993). Сияр аълум ан-нубало. – Байрут : Муассасат ар-рисола, 1993. – 16-жилд. – Б.283.
- Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 322-325.
14. Mo'minov A. Hanafiy ulamolarining Markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o'rni va roli. Tarix fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. -T., Toshkent islom universiteti, 2003. -B.66.
15. Rizouddin Faxriddin. Imom G'azzoliy. O'zR FA Sharqshunoslik instituti Qo'lyozmalar fondi. Inv. № 9122. 16-sahifa.
16. Saidov A. Usulul fiqh – islom qonunshunosligiga bir nazar // Usulul fiqh. -T.: Adolat, 1997. -B.209.
17. Sovet Sharqi musulmonlari. -Toshkent, 1971 y. № 3, -B. 9.
18. Сюкияйнен Л. Мусульманское право. М.: 1986. -С.68.
19. Tojuddin Abu Nasr Abdulvahhob as-Subkiy. Tabaqot ash-shofi'iy al-kubro. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1999. 3-jild. -B.341.
20. Hoji Xalifa. Kashf az-zunun. 1-jild. -B. 6.
21. Husniddinov Z. Shofiyy mazhabi // Islom: yo'nalishlar, mazhablar, oqimlar. -T.: Movarounnahr, 2000. -B.16-17.
22. Xayruddin Zirikli. al-A'lom. 6-jild. -B.210. 1-jild. -B.327.
23. Xoja Xalifa. Kashf az-zunun. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1992. 1 jild. -B.611.
24. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. -Bayrut. Muassasat ar-risola, 1993. 16-jild. -B.283.

REFERENCES

1. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad Sam'oniyy. al-Ansob. -Bayrut, 1988. 7-jild. -B. 244.
2. Бартолд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в.9 т.Т.1. -М.,1963.
3. Bahodirov R., Rasulov D. Islom ilmlarining buyuk allomalari. -T.: Abdulla hodiriy nomidagi xalx merosi nashriyoti, 2000. -B.10.
4. Yoqut al-Hamaviy. Mu'jam al-buldon. -Qohira, 1906. 1-jild. -B. 7.
5. Ibn Xaldun. Al-Muqaddima. - B.315.
6. Ibn Xallikon. Vafoyot al-a'yon. 1-jild. -B.459.
7. Juzjoniy A. Sh. Islom huquqshunosligi va Hanafiy mazhabi taraqqiyotida O'rta Osiyo faqihlarining o'rni. Yuridik fanlar nomzodi... diss. avtoreferati. -T.: 2005. -B.11.
8. Muminov A. Xanafitskiy mazhab v istorii sentralnoy Azii. Monografiya /Pod red. S. Prozorova. -Almaty: Qazaq ensielopediyasy, 2015. -400 s; Nauchnoe nasledie xanafitskix uchyonyx sentralnoy Azii i Kazaxstana. Tom 4. -Astana, 2018.
9. Munirov Q., Irisov A., Nosirov A. Toshkent tarixida ba'zi siymolar. -T.: Fan, 1983. B. 16-17.
10. Mu'jam al-buldon. 1-jild. -B.401.
11. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. THE CULTURE OF TOLERANCE IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION: METHODOLOGY OF RESEARCH, REALITY AND PROSPECT http://sociosphera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
12. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Кафал Шаши – мухаддис из Ташкента. PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
13. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. (2023). HUMANISTIC IDEAS: KINDNESS, GENEROSITY, AND TOLERANCE IN THE WORK OF MAVERANNHAR SCIENTISTS. EPRA International